

КИТОБ ТАРҒИБОТИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ



Гулбаҳор Қобилжоновна,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Электрон буюртмаларни мувофиқлаштириш ва ресурсларни масофадан етказиб бериш хизмати етакчи мутахассиси

Буктрейлерлар китобни қисқа мотивларда видеоролик кўринишда уни тарғиб қилишдан иборат бўлиб, инсонда тарғиб қилинаётган китобга қизиқиш ортишида катта аҳамият касб этадиган реклама, десак муболага бўлмайди

Китоб ўтмишни бугун ва келажакни боғлайдиган ўзига хос кўприқдир. Китобни маънавий мерос, туганмас хазина дейишлари ҳам бежиз эмас, ҳақиқий китобни қадрлайдиган инсонларгина унинг бу каби қимматини англаб етишган. Дарҳақиқат, инсон ўз келажagini ўзи яратади. Келажагининг пойдевори мустақкам бўлиши учун эса, ёшлиқдан илм олишга интилиш керак. Зеро, ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақш демақдир. Китобсиз билимли, маданиятли киши бўлиб етишиш мумкин эмас, айнан шу сабаб «Китоб ақл қалъасидир» деганлар.

Буюк бобокалонимиз, табобат илмининг султони, машҳур табиб Абу Али ибн Сино бетоб бўлган Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурни даволагач, амир томонидан «Сенга бу ёрдамнинг учун нима берай?» деганида бобокалонимиз сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишни афзал билган эди. Демак, ҳақиқий комил инсон китобнинг қадрига етади, уни ҳар қандай ўткинчи нарсалардан устун қўйиб, ўзи билан бирга абадий хазинани сақлаб юради.

Япон мактабларидан бирида жаҳон тарихидаги энг буюк кашфиёт нима, деган сўровнома ўтказилган экан. Бу сўровномада иштирок этганлар ўзлари мўъжиза деб билган турли нарсаларни тилга олишган: олов, двигател, атом бомбаси, электротехника ва бошқа бир неча нарсалар. Бироқ қатнашчилар ичидан 6-синф ўқувчисининг «Энг зур кашфиёт – китоб», деб билдирган жавоби ҳайъат аъзоларига маъқул тушган экан. Нима сабабдан айнан китоб, деган саволига у «Қолганларнинг фикрлари ҳам тўғри, лекин китоб бўлмаса, уларнинг бирортаси ҳам ихтиро қилинмасди-ку», деб жавоб берган экан.

Буни қарангки, кўпчиликни хаёлига ҳам келмаган ушбу жавоб чинакам ҳақиқат эканлиги аста-секин ўз исботини топиб борапти.

Китоб, ҳақиқатдан ҳам, мўъжиза, унда келтирилиб ўтилган жумлалар беихтиёр китобхонага юқиш, унга руҳий таъсир ўтказиш, ақлий ўстириш каби вазифаларни бажаришга қодир.

Маълумки инсонлар, айниқса, ёшлар таниқли шахслар билан учрашувларда иштирок этишни, турли хил маданий-музикавий кечаларни томоша қилишни ёқтирадилар. Шунинг учун ҳам бу каби учрашувлар айнан кутубхонада ўтказилишининг ўрни беқиёсдир. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам мутолаага бўлган қизиқишни янада ошириш мақсадида, янги келиб тушган нашрларни китобхонларга тавсия этиш, китоб тақдимотлари, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, хотира кечалари, адабий ва музикавий кечалар, библиографик обзорлар ва китоб-расмий кўргазмалар ташкил этилган бўлиб, унда олимлар, соҳа мутахассислари, шоиру ёзувчилар, таниқли шахслар иштирок этадилар.


Бинобарин, кутубхонага тадбир баҳонаси билан ташриф буюрган фойдаланувчи қайсидир маънода кутубхонага қадам босиб, ўзи билмаган ҳолда китобга бўлган қизиқиши ошади, негаки, у кутубхонада яратилган шароитлар, имкониятлар, китобларнинг жавонларда ноодатий тарзда қўйилганлиги, муҳим ва нуқтилмас саналарга, шахсларга атаб қўйилган бир-бирдан чиройли китоб-расмий кўргазмалар уни китобни варақлаб ўқишга ундайди, натижада ўқувчи китоб нима эканлиги ва унда қанчадан қанча қизиқарли маълумотлар борлигини тушуниб етади. Шу ўринда савол туғилади: ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини қай тарзда ошириш мумкин? Менимча, китобларга ҳам реклама зарур. Ҳар бир ўқув муассасаси биносининг кириш йўлагига янги нашр этилган китоблардан намуналар қўйиб, уларни қаердан топиш мумкинлиги, китоб мазмуни ҳақида қисқача изоҳ берилиши



керак. Албатта, бу ўқувчиларни қизиқтирмасдан қолмайди.

Ўқувчиларни китобга бўлган қизиқишини ошириш, китобларни реклама қилиш, умуман олганда, кутубхонага ташриф буюришни одатий ҳолатга айлантириш, вақтини бўлмағур жойларда эмас, балки билим масканида ўтказиш учун Ўзбекистон Миллий кутубхонасида китоб ўқишни тарғиб қилиш, нафақат тадбирлар орқали балки, яратилаётган буктрейлер ҳам мисол бўла олади.

Буктрейлер ўзи нима? Буктрейлер китобнинг қисқача аннотациясини намоиш этадиган видеороликдир. «Book» инглизча сўз бўлиб китоб, «Trailer» биринчи маъноси тиркама, иккинчи маъноси анонс, афиша, янги фильмнинг кинокадрли рекламаси маъноларини беради. Буктрейлерлар китобни қисқа мотивларда видеоролик кўринишда уни тарғиб қилишдан иборат бўлиб, инсонда тарғиб қилинаётган китобга қизиқиш ортишида катта аҳамият касб этадиган реклама, десак муболаға бўлмайди. Миллий кутубхонада бир қанча буктрейлерлар яратилган бўлиб, кутубхонанинг natlib.uz портали ва youtube каналида кенг оммага ҳавола этилмоқда. Мутахассислар томонидан яратилган буктрейлерларни ўқувчи кўрар экан, унинг вужудида ушбу китобга меҳр уйғониши табиий. Ахборот технологиялари ривожланган айни даврда ўқувчилар тез ва қизиқарли маълумотларни эшитиб эмас, уни кўзи билан кўриб қизиқаётгани ҳаммамизга маълум. Миллий кутубхонада тайёрланган айнан шундай буктрейлерларга



яққол мисол қилиб, Тоҳир Маликнинг «Одамийлик мулки», Боқий Мирзонинг «Ўғрининг муҳаббати», Юлиан Семёновнинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси», Чингиз Айтматовнинг «Жамила», «Оқ кема», Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Пауло Коэльонинг «Алхимик», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Эрик Ремаркнинг «Три товарища» ва бошқа романларини айтсак бўлади.

Миллий кутубхонада ўтказилган тадбирларда иштирок эта олмаган фойдаланувчилар ёки масофадан туриб фойдаланувчилар учун Миллий кутубхонанинг матбуот хизмати томонидан барча тадбирларнинг тўлиқ тафсилотлари, кўرғазмалар, кутубхонага келтирилаётган янги нашрлар, шунингдек, юбиляр китоблар мунтазам равишда кутубхонанинг расмий порталига, youtube каналига ҳамда ижтимоий тармоқдаги фейсбук саҳифаларига жойлаштирилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Миллий кутубхонанинг вазифаси фақатгина анъанавий китоб бериш ёки китобхонларга ахборот-технологиялари ёрдамида ахборот беришдан иборат эмас, балки аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш, уларнинг маънавий тарбиясида, баркамол инсон этиб тарбиялашда, уларда китоб мутолаасига қизиқиш уйғотиш, аҳолининг ахборот маданиятини оширишдир. Бунда кутубхоналарнинг, хусусан, Миллий кутубхонанинг роли катта.



Ҳозирги кунда Миллий кутубхонанинг вазифаси фақатгина анъанавий китоб бериш ёки китобхонларга ахборот-технологиялари ёрдамида ахборот беришдан иборат эмас, балки аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш

Гулбахор Кабилжанова, ведущий специалист службы координации электронных заказов и дистанционная доставка документов Национальной библиотеки Узбекистана.

В статье даётся информация о современных методах пропаганды и популяризации чтения, осуществляемых в Национальной библиотеке Узбекистана и о мероприятиях, проводимых в целях развития культуры чтения среди молодёжи.

Видеоаннотации или трейлеры представляют собой короткие мультимедийные материалы о книгах, мультфильмах, кинопроизведениях и т.п. Преимущественно используются в рекламных целях в период ожидания выхода объекта рекламы в свет. ■